



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ АҲЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ЖИНОИЙ ЖАЗОСИГА ҲУКМ ЭТИЛГАН МАҲКУМЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Ганиев Сардор Зафаржон ўғли**  
*ИИБ Академияси 312-гуруҳ курсанти*

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунга асосан аҳлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилган шахслар юзасидан қуйдаги ишларни амалга оширади.

✓ **Прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари орқали** ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, шу жумладан солиқ, валютага оид ҳуқуқбузарликлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этиш юзасидан;

✓ **Давлат хавфсизлик хизмати органлари** халқаро жиноий ташкилотлар фаолияти тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва таҳлил қилишни, миллий хавфсизликка улардан келиб чиқувчи таҳдид даражасини баҳолашни амалга ошириш, тегишли органлар ва муассасаларга зарур ахборотни тақдим этади; тинчлик ва хавфсизликка қарши ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларнинг ҳисобини юритиш юзасидан;

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари орқали** қўриқланувчи шахсларнинг манфаатлари, хавфсизлиги ва дахлсизлигига қарши ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларнинг ҳисобини юритиш юзасидан;

✓ **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари орқали** фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ дориларини олиш ва рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) тартибига фуқаролар ҳамда юридик шахслар томонидан риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш юзасидан;

✓ **Адлия органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари орқали** аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни,



ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш юзасидан;

✓ **Давлат божхона хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари орқали** божхона тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши, божхона тўловларининг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш, божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, божхона соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритиш, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириш юзасидан;

✓ **Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари орқали** солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, солиқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш юзасидан;

✓ **Меҳнат органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари орқали** аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўриш, ишсизларни ҳисобга олишни ва ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш юзасидан;

✓ **Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари орқали** таълим олувчиларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришга, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этиш, таълим олувчилар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан



ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоратадбирларини кўриш, таълим олувчиларнинг бандлигини ва бўш вақти мазмунли ўтказилишини таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида ҳаммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўгараклар, клублар ташкил этиш юзасидан ҳамкорлик қилади. Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ички ишлар органларига : ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳақида; одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида; таълим олувчи шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида; ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида хабар қилиши шартлиги хусусида тушунтиради юзасидан;

✓ **Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари орқали** фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, аҳоли ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатиш бўйича ишларни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этиш, аҳоли ўртасида мунтазам тиббий текширувларни ташкил этиш, алкоголизмга, гиёҳвандликка, захарвандликка, руҳий касалликларга, ОИВ инфекциясига, таносил касалликларига ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликларга чалинган шахсларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, текширувдан ўтказиш, шунингдек ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришни амалга ошириш, ОИВ инфекцияси, алкоголизм, гиёҳвандлик, захарвандлик тарқалишининг олдини олишга доир чоратадбирларни бажариш учун мутахассисларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга ошириш юзасидан;

✓ **Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари орқали** табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириш юзасидан;



✓ **Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар орқали қонунийликни ва хуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини, юридик шахсларнинг, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини хуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишни таъминлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқирилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш, ваколатли органлар ва муассасаларнинг фаолияти самарадорлигини, яқин ҳамкорлигини ва уюшган ҳолда ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилатган чораларни баҳолашни, мониторинг қилишни ва уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан;**

✓ **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг хуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки орқали тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиш, рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган хуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш юзасидан;**

✓ Аҳлоқ тузатиш ишлари жиноий жазосига ҳукм этилган вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки қонуний вакили билан бирга шаҳар-туман ИИБ бошлиғи ҳузурига дастлабки суҳбат учун таклиф қилиб, қайта жиноят содир этмаслик тўғрисида огоҳлантирилади ва ўтказилган суҳбат тўғрисида малумотнома тузилишини таъминлайди.

Умуман олганда юқоридагилардан келиб чиқиб шунини айтиш мумкинки профилактика инспекторлари аҳлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм этилган шахслар билан ишлаш фаолиятини жазоларнинг тури бўйича йўналишларга бўлиб амалга оширади.



Шу билан бир қаторда ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этилишида Пробатсия хизмати ходимлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ишларга алоҳида этибор қаратиши лозим.

Профилактика инспекторлари маҳкум билан олиб борилаётган профилактик ишлар ҳақида Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳузуридаги Пробатсия хизмати ходимини ҳар ойда камида бир маротаба ёзма равишда хабардор қилиб боради.<sup>1</sup>

Бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни ишга жўнатиш тартибини белгилайди унинг назоратини амалга ошириши лозим.

Маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти томонидан ҳукм талаблари ижро этилишини, маҳкумнинг иш ҳақидан тўғри ва ўз вақтида чегириб қолинишини ҳамда чегириб қолинган сумма давлат фойдасига ўтказилишини текширади.

Ахлоқ тузатиш ишларини бошқа жойларда ўтаётган шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш учун рухсатнома бериш масаласини кўриб чиқади

Маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти томонидан маҳкумга нисбатан қўлланилган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари ҳақида, унинг жазони ўташдан бўйин товлаётгани, бошқа ишга ўтказилганлиги ёки у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида хабарларни кўриб чиқиб кракли хужжатларни расмийлаштиради.

Профилактика инспектори маҳкумнинг маҳалладаги хулқ атори, қўшнилар ва оила азолари билан муносабатини тўлиқ ўрганиб таҳлил қилиб бориши ҳамда Пробатсия хизмати ходими билан мунтазам зарурий чоратadbирларни кўриб бориши лозим.

Пробатция хизмати ходимлари ва профилактика инспектори томонидан ҳар ойда камида 3 маротаба ҳукмнинг бажарилаётганлигини доимий равишда назорат қилиб борилади ва текширув натижаси бўйича далолатнома тузилиб, маҳкумнинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо муддати тугаганда ҳукм ижроси таминланганлиги тўғрисида ички ишлар органи бошлиғига ахборот берилади.

---

<sup>1</sup> Ички ишлар органлари профилактик фаолияти: Маърузалар курси. □Т.: 2018. □ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Б. 159



Профилактика инспекторларининг ушбу йўналишда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишда раҳбар ходимларинг хусусан, ИИБ бошлиғи, ИИБ бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари - ҲПБ бошлиғининг кўрсатма ва топшириқлари муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида амалга оширилайтган туб ислохотлар жараёнида “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” ғоя ҳаётимизнинг бош мезонига айланди. Албатта ислохотлар жазони ижро этиш тизимини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Ортада қолган давр мобайнида бу соҳага оид кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб уларнинг туб негизида билиббилмай жаноят содир этган шахсларнинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, жазо муддатини ўташи учун қулай муҳит яратиш мақсади ётибди. Ушбу устувор вазифалардан келиб чиқиб Давлатимизда Хориж давлатларининг тажрибасидан келиб чиқиб 2018 йил 7 ноябрда “Жиноят ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006 сонли қарори эълон қилинди, ушбу қарорга биноан 2019 йил 1 январдан юртимизда Ички ишлар вазирлиги тизимида Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳузурида Пробатсия хизмати йўлга қўйилди. Пробатсия бўлинмалари ходимлари томонидан 2019 йилнинг март ойига қадар 195 маротаба меҳнат ярмарклари ташкил этилиб, назоратдаги шахслардан 1082 нафари ишга жойлаштирилди ва 1401 нафарига йўлланма берилди. Бундан ташқари, муайян касбга эга бўлмаган 3646 нафар шахсдан 115 нафари касб-хунарга ўқитилди ҳамда назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ва ёрдам кўрсатиш масаласига мутасади идора ва ташкилотларга жасми 2128 та тақдимнома киритилди. Пробатсия хизмати ҳисобида турган шахслар билан ўтган давр мобайнида 2312 маротаба учпашув ва давра суҳбати ўтказилиб, 15228 нафарига ҳуқуқий масалалар бўйича кўмак берилди. Хусусан 14672 нафарига жазони ўташ йўналиши бўйича, 6450 нафарига ишга жойлаштириш, 857 нафарига соғлиғини тиклаш, 397 нафарига шартнома тузиш, 33 нафарига уй-жой билан таъминлаш, 41 нафарига ўқишга кириш, 1176 нафарига моддий ёрдам олиш борасида, 220 нафарига маиший масалада, 427 нафарига истеъмол кредитлари олиш ва 955 нафарига бошқа масалалар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Мухтасар қилиб айтганда илғор хорижий тажрибага асосланган Пробатсия хизмати фаолияти йўлга қўйилишидан асосий мақсад жиноят солир этган шахслар билан тарбиявий ишларнинг узвий давомийлигини ва



яхлитлигини таъминлаш орқали такрорий ҳуқуқбузарлик ҳамда қайта жиноят содир этилишининг олдини олишдан иборатдир.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан “Синовдан юксалишга қатъий қадам” мавзуси остида Республикамизда ёшларнинг бандлигини таъминлаш улар орасида жиноятчиликни олдини олиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Ушбу тадбирда озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган шахсларга кредитлар бериш, уларни иш билан ҳамда уй-жой билан таъминлаш масалалари бўйича муҳим ишлар атрофлича ўрганиб чиқилди. Бугунги кунда судлар томонидан унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этганларга нисбатан озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ва шартли ҳукми кўпроқ қўлланиши профилактика инспекторларининг бу фаолиятни таъминлашдаги маъсулиятларини янада ошириш талаб этилади. Бу ўз навбатида жойларда профилактика хизматларининг озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахслар билан ишлаш фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш, улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш чораларини амалга ошириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири эканлигини кўрсатади.

Хозирги кунда жиноятчиликни олдини олиш фаолиятини амалга оширишга ўзининг холати, ташкилий таркиби, бажарадиган вазифалари бўйича турли хил бўлган кўпгина жамоат ташкилотлари жалб қилинган. Бироқ, уларнинг Ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорликдаги жиноятчиликни олдини олиш бўйича вазифаларини, ташкилий тузилишини, ахборотни қабул қилиш ва узатиш шакл ва усулларини, ўзаро ҳамкорликни ошириш механизмини, шакл ва усулларини, профилактик таъсир этишнинг услибияти ва тактикасини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар янада такомиллаштирилиши лозим.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясим, 2018 ички ишлар органлари профилактик фаолияти – марузалар курси
2. Муҳамедов Ў. Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ИИО тизимидаги ислохотлар. – Т., 2018



3. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Ўзбекистон Республикаси ИИВ академик лицейлари учун дарслик. Р.Кабулов, М.Х. Рустамбоев, А.А. Отажонов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,

4. Хайдаров М.М. Озодликни чеклаш жазоси: жиноят ва жиноятжроия ҳуқуқий жиҳатлари: Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020.

5 И.Исмаилов, Д.Миразов, Ж.Мухторов ва бошқ.

6 Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2017. -128 б.

7 Муҳамедов Ў.Х.Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги ислохотлар: биринчи босқич якунлари ва истиқболдаги вазифалар: Монграфия. – Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -310 б.

8 Қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш принципи – Ички ишлар органлари фаолиятининг асоси: Монография/ Ў.Х.Муҳамедов, И.Исмаилов, Б.Э.Закиров ва бошқ. – Т.,2016.

9 Комбаров Р.В. Обязанности, являющиеся обязательными к установлению при назначении наказания в виде ограничения свободы // Пробелы в Российском законодательстве / Международный юридический журнал. – М., 2012. – №1.